

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил март ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиси К.Мухамедов, судланувчи Ш.Османовнинг иштирокида, Османов Шерзод Хусаиновичга нисбатан 1-1109-2301/23 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Османов Шерзод Хусаинович** (Osmanov Sherzod Xusainovich), 1982 йил 9 февралда Оққўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўртамахсус, вақтинча ишсиз, оилали, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2020 йил 2 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман судининг 2022 йил 14 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, “Зарафшон” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 188-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 10 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

2023 йил 28 январь куни соат 14:30 ларда Оққўрғон тумани ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган турар жойларни ва бошқа жойлари, бинолар, иншоотларни, жойни, участкаларни текшириш тезкор-қидирув тадбири давомида, Оққўрғон тумани “Зарафшон” м.ф.й. Мустақиллик кўчаси 188-уйда яшовчи Османов Шерзод Хусаиновичнинг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, уйи меҳмонхонасидаги стол устида икки дона қора рангли полиэтилен пакетга ўралган қорамтир рангли, ўткир ҳидли модда ва қуритилган ҳолдаги ўзига хос ўткир ҳидли ўсимлик шохлари, бир дона пастки қисми кесилган ҳолатдаги, ички қисмида қорамтир модда юқлари бўлган 0,5 лт ҳажмли “Coca-Cola” ёзувли баклашка борлиги аниқланиб, холислар иштирокида далилий ашё тариқасида олинган.



Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 2023 йил 31 январдаги 16-сонли хулосасига кўра, фуқаро Ш.Османовнинг хонадонидан олинган қора рангли полиэтилен пакет ичидаги, ўсимлик шохчалари ва жигарранг рангли, бадбўй хидли, нам ҳолатда бўлган лойсимон кўринишдаги воситалар аралашмаси таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда “Марихуана” деб аталиши, унинг оғирлиги 216,1 граммни ташкил этиши ҳамда 0,5 лт ҳажмли “Coca-Cola” ёзувли баклашка таркибида тетрагидраканнабинол гиёҳванд модда қолдиқлари борлиги аниқланган.

Судланувчи Ш.Османов айбига тўлиқ иқдор бўлиб, 2023 йил 28 январь куни соат 14:30 ларда уйда бўлган вақтида уйига туман ИИБ ходимлари келишганлигини ва унга туман ҳудудида тадбир бўлаётганлигини айтиб, унга турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг учаскаларини ва транспорт воситаларни текшириш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги туман прокурори ва туман ИИБ бошлиғининг розилик қарори асосида уйини ва ёрдамчи хўжалиklarини кўздан кечиришганлигини, улар билан икки нафар холислар ҳам бўлишганлигини, шу билан орган ходимлари уйини кўздан кечираётган вақтида, уйининг ишламайдиган ошхонасини кўздан кечираётган вақтида, хонадаги 1 метрлар чуқурликдаги жойни кўздан кечиришганлигини, у ердан қора рангли полиэтилен пакетга ўралган ҳолдаги, нам, лой ҳолатдаги ўсимлик баргларида ташкил топган модда борлигини аниқлашганлигини ва холислар иштирокида расмийлаштириб олишганлигини, шунда бунга унга кўрсатиб, нима эканлигини ва кимга тегишли эканлигини сўрашганида, уларга ушбу наша гиёҳванд моддаси ўсимлиги эканлигини, уни анча вақт олдин 2019 йил куз ойларида даладан яъни Оққўрғон тумани Алимкент кўрғони ҳудудидаги даладан териб олиб келганлигини ва шу ерга яшириб қўйганлигини ва эсидан чиқиб қолиб кетганлигини айтганлигини, сабаби шу вақтлари ушбу наша гиёҳванд моддаси ўсимликларини баргларини қуритиб, чекиш йўли билан истеъмол қилиб турганлигини, сўнг орган ходимлари ушбу моддани холислар иштирокида далилий ашё тариқасида хужжатлаштириб олишганлигини ва ҳаммасидан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ш.Османовнинг айби унинг айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Гувоҳ Қ.Сафаров суд мажлисида, 2022 йил 28 январь куни соат 14:30 ларда Оққўрғон тумани ИИБ ходимлари уни бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлигини, у рози бўлганлигини, сўнг у билан Оққўрғон тумани «Зарафшон» м.ф.й. Мустақиллик кўчаси 188-уйда яшовчи 1982 йилда туғилган Ш.Османовнинг хонадонига боришганлигини, шу вақтда у билан яна бир нафар холис бўлганлигини, шу вақтда Шерзод акани ўзи уйда бўлганлигини, сўнг орган ходимлари уларнинг иштирокида дастлаб Шерзод акага ҳозирда туман ҳудудида махсус тадбир



бўлаётганлигини айтиб, сўнг уй-жойларни кўздан кечиришга туман прокурорининг розилик қарорини таништириб, сўнг ундан уйида ноқонуний сақланаётган нарса, буюм, гиёҳванд моддалар бор бўлса топширишини сўраганлигини, шунда у уйида бунда нарсалар йўқлигини айтганидан сўнг улар холислар иштирокида унинг уйини кўздан кечиришни бошлаганлигини, шунда унинг уйининг ховлисининг рўпарасидаги хонасини кўздан кечирган вақтида иккига ажратилган ҳолатдаги полиэтилен пакетдаги, ўзига хос ўткир хидли модда ва сариқ қуриган ҳолдаги ўсимлик шоҳи ва 0.5 лт ҳажмли пастки қисми тешилган, ичи қорамтир ҳолатдаги баклашга борлиги аниқланиб, уларнинг иштирокида олинганлигини, сўнг ушбу олинган моддани уларнинг иштирокида тарозида ўлчаб кўрган вақтида 310 грамм эканлиги аниқланганлигини, орган ходимлари аниқланган нарсаларни хужжатлаштириб олишганлигини ва улардан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганлигини, ички ишлар ходимлари томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир қилинмаганлигини баён қилди.

Судланувчи Ш.Османовнинг айби ўзининг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, билдирги, дастлабки тушунтириш хатлари, ашёвий далилни олиш тўғрисида баённома, суд кимёвий экспертизасининг хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарори, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойида текшириш баённомаси ва фотоилова, кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ З.Маркабоевнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Османовнинг “Кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан сақлаш”да ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Ш.Османовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш



билан бирга, унинг шахсини, айбига иқдорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, унинг муқаддам судланганлигини, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир қилганлигини, суд томонидан тайинланган жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганлигини инобатга олиб, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган қатъий фикрга келиб, унга айбланаётган қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, Ш.Османовга муқаддам жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2020 йил 2 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман судининг 2022 йил 14 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Ушбу Кодекснинг 73-моддасида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди, деб кўрсатилган.

Суд, ишда тўпланган далиллар ва Қонун талабларини инобатга олиб, судланувчи Ш.Османов мазкур жиноятни жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2020 йил 2 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган жазони тўлиқ ўтамай туриб, қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2023 йил 20 февралдаги 120-сонли хулосасига кўра, Ш.Османов тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида белгиланган тартибда жазони ўтаётган жойда гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш чораси қўллашни;

иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТ ва ХТ бошқармасига 04242-сонли қвитанциясига асосан сақлаш учун топширилган 215,1 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни;



жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган бир дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И :**

**Османов Шерзод Хусаинович** (Osmanov Sherzod Xusainovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ш.Османовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ш.Османовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2020 йил 2 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Тайинланган жазони ўташ муддати 2023 йил 27 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Османовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва суд залини ўзидан дарҳол қамокқа олинсин.

Судланувчи Ш.Османовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида белгиланган тартибда жазони ўтаётган жойда гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш чораси қўлланилсин.

Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 6.000.000 сўм гаров пули гаровга кўювчи Ш.Османовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТ ва ХТ бошқармасига 04242-сонли қвитанциясига асосан сақлаш учун топширилган 215,1 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин;

жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум эса, ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи**

**имзо**

**С.Т.Исакулов**

**Нусха аслига тўғри:**



**Маъсул судья: Исакулов Санжар Турдикулович**



Хужжат имзоланган: Исакулов Санжар Турдикулович, 27.03.2023

